



## ҚУРЪОН ТИЛОВАТИДА ОВОЗ ВА ОҲАНГ СИФАТИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

**Раҳматов Иқболжон Иззатулло ўғли**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCOкафедраси таянч докторанти*

**Аннотатсия:** Бу мақолада Қуръон тиловатини ҳадисларда айтилган гўзал овоз билан тиловат қилишлик олиб борувчи оҳанглар, унинг тоғри шакилланишига эътибор берилиши каби мулоҳаза а тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Қуръони карим, тажвид, қироат, тиловат, овоз, оҳанг, нафас.

**“Тараннум”** – бу қироатнинг оҳанг қонун-қоидалар ва овоздан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқларига риоя этган ҳолда тайёргарлик ила ёки тайёргарликсиз юзага чиқиши ҳамда қироат соҳибининг овоз оҳангидаги айнан ўзига хос бўлган омиллар мажмуидир.

**Тафсил:** “Тараннум” сўзининг ўзагини оддий “таралмоқ” сўзи (яъни товуш-оҳангнинг таралиши, эшитилиши, янграши) ташкил этсада, бироқ “тараннум” тушунчаси “гўзал ва хушоҳанг тарзда янграш”, “ёқимли садоланиш”, “мақтов ва муҳаббат ила мадҳ этиш” каби юксак ва ижобий маъноларни касб этади. Бунда овознинг ишлаш механизми ва техникасининг аниқ ёндошилганлиги орқали эришиладиган Қуръон ҳайбати ва Аллоҳнинг каломи эканлигини ифода этадиган барқарор овоз ҳам илмий асос билан таълим олишни белгилаб беради. Демак, ҳар қандай овоз ёки товушнинг таралиши ҳам “тараннум” деб аталмас экан. Ҳамда ҳар қандай жарангдор овоз ҳам Қуръон тиловатига лойиқ эмас экан. Албатта мазкур ҳолатларда нг аввало тажвид а қироат илмларининг қонун қоидалари, қироат услублари ва ҳос турлари қоидаларига амал қилиш крак бўлади. Бу тушунчани Қуръон қироатида махсус атама-тушунча сифатида қўллаш ва унга таъриф бериш эса янада дақиқроқ, янада синчковлироқ назар ва эътиборни талаб этади.

“Қироатимнинг тараннум жиҳатини юқори савияга олиб чиқаман” деган ҳар бир тилоат соҳиби албатта, оҳанг илми назариясидан, овоз аппарати ва нафас ишлатиш техникасидан, товушлар баландлиги ва жойлашуви схемаси ва унинг бошланғич саводидан хабардор бўлиши лозим. Бошқача таъбир билан айтганда, оҳанг илмидан бохабар бўлиш қироат тараннумини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Қадимдан жуда кўплаб алломаларимиз ҳам бу илмдан юксак даражада хабардор бўлганлар. Жумладан, Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, Қутбиддин аш-Шерозий, тасаввуф арбоблари – Имом Ғазолий, Калободий Бухорий ва бошқалар барча фанлар қатори “Фанни мусиқий” бўйича ҳам



етук бўлганлар. Улар томонидан муסיқа-оҳанг илми юқори баҳоланиб, илмий тарзда тадқиқ этилган ҳамда унга шарҳлар ва алоҳида “Рисола”лар таълиф этганлар. Улар ҳаминша уш бу илмларни маънавий а маърифий жиҳатларини тадқиқ қилишга.

Муסיқа илмида умаман товуш (оҳанг, садо)ларга оид билимлар, уларнинг қай тарзда юзага келиши ва қай тарза инсон томонидан ёки чолғу асбоби воситасида тўғри ижро этилиши ҳақидаги илмлар маълум бир тизим ва асослар негизида ўргатилади. Муסיқа илмига оид **“тон”** (парда, товуш, нағма), **“лад”** (маълум муסיқий товушларнинг бош-асосий парда атрофида ўзаро боғланиш тизими), **“мақомот”** (мусулмон Шарқ халқлари муסיқа илмида пардалар, товушқаторлар, куй-оҳанглар ва жинс-жамлар мажмуи)<sup>1</sup>**“муסיқий баланд-пастлик”** (товушнинг йўғон-ингичкалик мантиғи), **“ритм”** (товушлар орасидаги узун-қисқа янграш муносабатлари), **“динамика”** (янграш кучи), **“тембр”** (оҳанг бўёғи, туси, сифати), **“нота”** (товушларнинг ёзувдаги шартли ифодаси), **“нола”**, **“диатоника”**, **“микрочроматика”**, **“модуляция”**, **“оғишма”** ва яна бошқа кўплаб тушунчалардан бохабар бўлиш албатта қироат тараннуми учун жуда зарур. Ва айна пайтда оҳанг қонун-қоидаларга риоя қилмай қироат қилиш ёқимсиз овозни келтириб чиқаради. Хусусан, биргина қироатни маълум бир пардада бошлаб яқунда шу пардада яқунламаслик, балки умуман бошқа тон-парда билан тугатиш, шунингдек тиловат давомида ҳеч қайси бир мақом тизимига бўйинсунмаслик тараннум борасида қўпол хатоларни келтириб чиқаради. Қироатнинг оҳанг шакли (қарор-кириш, жавоб-даромад, жавобул жавоб-авж, хотима каби қисмлари)ни шакллантира олмаслик ҳам оҳанг илмидан беҳабарлик билан белгиланади. Бу борада яна битта тоифа борки улар илҳоланиб гўзал оҳангда, ўзлари бошқа қироат соҳибининг тиловатларини тақлид орқали маълум бир даражада махорат билан ижро этишади. Бу эса кам сонли кишиларда намоён бўлиб келади. Юқоридаги илмий жиҳатларга урғу берган ҳолда ёндошилса тинглаш ва гапиришга лаёқатли инсонларнинг барчаси Қуръонни зийнатлай оладилар.

Қуръон қироатининг оҳанг негизини асосан **“монодия”** (бирозлик, якканавоз ижро) ташкил этади. Бироқ, нашида, саловот ва бошқа исломий айтимларни ижро этиш жараёнида эса оҳанглар уюшмаси-гармония, кўп овозлик-полифония, дуэт, трио, квартет, квинтет (жамоа бўлиб бир вақтнинг оҳида турли ўхшангларда фойдаланиш бўлиб унда икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ кишилар иштирокидир) каби тушунча ва ижро услубларининг ўрни бениҳоя каттадир.

Ҳозирги кунда оҳанг соҳаси таркибида замонавий фанлар “Оҳанг назарияси” ва “Сольфеджио” (Куйлаш ҳақидаги фан), овоз тарбияси, овоз

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси “М” ҳарфи, 344-б.

жарангини орттириш бўйича “Вокал” каби жуда муҳим илмлар атрофлича ва тизимли равишда шаклланиб улгурганки, улардан Қориларимизнинг илмий жиҳатлама хабардор бўлиши ҳар тарафлама фойдалидир. Бу илмларни қай даражада ўзлаштирганлигига қараб, қориларимиз қироатни алоҳида “**тайёргарлик ила ёки тайёргарликсиз**” ҳам юзага чиқариш имконига эга бўладилар. Олдиндан тайёргарлик кўриб, тингловчиларга қироат қилиб бериш тушунарли, аммо “тайёргарликсиз” қироат қилиш нима, деган саволга – бу бадихағўйлик-ипровизатсия дебжавоб берамиз. Яъни қироат жараёнида, тараннум жиҳатига тайёргарликсиз бевосита ва тўсатдан бадийий-ижодий дид билан ёндашиш - бадихағўйликдир. Авало Қуръоннинг мўжизалиги, Қалбда Қуръонга бўлган муҳаббат, ундан олинадиган рухий озуқа, илоҳий таскинлик туфайли инсон илҳомланишининг маҳсули ҳисобланади. Натижада, аввал қилинмаган бетакрор ва ўзига хос қироат тараннуми ҳосил бўлади. Бунда ҳар гал ҳар сафар янги ижод намунаси пайдо бўлади. Ушбу бадихағўйлик-ипровизатсияда эса овоз ва оҳанг илмларидан хабардор бўлишнинг аҳамияти янада ортади. Афсуски, юртимизда бугун бунинг акси: қайси сурани ўқишдан қатъий назар, қачон ва қаерда қироат қилишдан қатъий назар овоз ва оҳанг илмининг етишмаслиги сабаб қироатнинг ушбу икки жиҳати бир хил қолипда чиқаверади.

Тараннумнинг уччала шартини қироатида мужассамлаштира оладиган қори, энди уларни қироат қилаётган матнининг бадийий-маъновий жиҳатларини очиб беришга сафарбар этиши мумкин. Хусусан, уларнинг мажмуаси ёрдамида турли ҳиссиётлар (хурсандчилик, ғамгинлик, норозилик, қўрқув, изтироб, мақтов, ачиниш, умид ва бошқалар) ифода этиладигани, бу Қуръон оятларидаги турли мазмун-моҳиятларни (Аллоҳнинг қудрати, амр-у фармонларнинг қатъийлиги, қайтариқларнинг кескинлиги, жаннат роҳати, дўзаҳ азоблари, қиёмат даҳшатлари, тавба-тазарру ва қилган гуноҳидан изтироб чекиш ва бошқаларни) янада теранроқ очиб бериш имконини беради.

#### **МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. С.Бегматов “Ҳофизлик санъати УзДК, Тошкент-2007
2. Г.И.Муҳаммедова “ Хонандалик услубяти асослари” 2007
3. Р.Турсунов, С.Маннопов «Анъанавий қўшиқ ижрочилиги услубяти» Тошкент-2003
4. Ўқувчиларфизиологиясивагигиенаси Қ. С. Содиқов Т. Ўқитувчи
5. О.А. Иброҳимов, Ф.М. Худоев «Муסיқа тарихи»